

МИНТАҚАЛАРНИНГ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Шавкат Зайнутдинов Нуритдинович,
иқтисод фанлар доктори, профессор

E-mail: zaynutdinov@mail.ru

Муллабаев Бахтияржон Бултурбаевич,
ТДИУ тадқиқотчиси

E-mail: mullaboev_b@mail.ru

Аннотация: Ўзбекистоннинг иқтисодиётини ривожлантиришда минтақаларнинг ўрни катта. Бунда авваламбор вертикал интеграцияни кучайтиришни тақозо этади. Чунки ҳар бир вилоятни ўзининг минерал ва ресурс бойликларидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришни талаб қилинади. Айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, экспорт салоҳиятини ошириш диверсификацион сиёсатни кучайтириш минтақалар иқтисодиётини барқарорлигини таъминлайди.

Аннотация: Роль регионов в развитии экономики Узбекистана велика. Прежде всего, это требует более сильной интеграции. Потому что каждый регион должен размещать и развивать производственные силы на основе своего минерального и ресурсного богатства. Укрепление политики диверсификации малого бизнеса и частного предпринимательства, повышение экспортного потенциала, обеспечит стабильность экономики регионов.

Abstract: The role of the regions in the development of the economy of Uzbekistan is great. First of all, this requires a stronger integration. Because each region should allocate and develop production forces on the basis of its mineral and resource wealth. Strengthening the policy of diversification of small business and private entrepreneurship, increasing the export potential, will ensure the stability of the economy of the regions.

Калит сўзлар: Интеграция, салоҳият, бозор конъюнктураси, стратегик дастур, иқтисодий зона, саноат зона, диверсификация, минерал бойлик, оптимал, барқарор, субвенция, инвестиция, инновация.

Кириш

Ўзбекистон иқтисодиёти чорак асрдан сўнг ривожланишнинг янги босқичини бошлади. Ўтган давр мобайнида мустақил мамлакатимиз иқтисодиётини барча соҳаларида жуда катта ютуқларга эришди. Айниқса, бозор иқтисодиётини шакллантиришда “Ўзбек модели” яратилди. Янги корхоналар очилди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тез суръатлар билан ўсди, янги бозор инфратузилмаси ривожлантирилди, аҳолининг моддий

фаровонлиги ошди. Бу ютуқлар бошида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов турди.

Ҳар қандай иқтисодиёт ўз ривожланиш йўлида қайтадан кўриб чиқишни тақозо этади. Чунки вақт, давр ўтиши билан иқтисодиётга жаҳондаги глобал ўзгаришлар, янги омиллар, бозор конъюнктурасидаги ҳолатлар ўз таъсирини ўтказди. Шу сабабли, мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий муносабатларни янгидан кўриб чиқиш ва ривожлантиришни тақозо этади.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишнинг келгуси даврга ривожланишни белгилаб берувчи асосий ҳужжат бешта йўналиш бўйича қабул қилинган “Ҳаракатлар стратегияси” бўлди [1]. Айтиб ўтиш мумкинки, иқтисодиёт даражасини янги босқичга кўтарувчи, халқимизнинг фаровонлигини янада оширишда ушбу стратегик дастурни аҳамияти беқиёсдир.

Ўзбекистоннинг иқтисодиётини ривожлантиришда минтақаларнинг ўрни катта. Чунки ҳар бир вилоятни ўзининг минерал ва ресурс бойликларидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш талаб қилинади. Айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, экспорт салоҳиятини ошириш диверсификацион сиёсатни кучайтириш минтақалар иқтисодиётини барқарорлигини таъминлаш унинг долзарблигини билдиради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мазкур масалага, иқтисодчи олимларни ҳам қарашлари эътироф этилган. Хорижий олимлардан Davies S., Hallett M. [2], Kiss J. P., Németh N. [3] ва Bajmócy Z. [4]лар тадқиқотларида ҳамда рус оимлари С.В.Арженовский ва Р.В.Шеховцевнинг [5] тадқиқотлари кўрсатадики, макроструктуранинг асосини ташкил қилувчи фаолият турлари ўртасида устуворликларни танлашда минтақа ихтисослашуви, унинг маҳаллийлаштириш даражаси, инвестицион самарани ва унумдорликни таҳлил қилиш керак. Тадқиқотчилар 2000-2014 йилларда Ростов вилояти фаолият турлари бўйича база шакллантирган бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва харажатлар ўртасидаги боғлиқликни белгилаб берувчи ишлаб чиқариш функциясидан фойдаланган.

Е.П.Есев ва Л.И.Бушуевнинг тадқиқотида ишлаб чиқилган индикаторлар тизими маълум минтақа қайси объект ва хизматлар билан кўпроқ ёки камроқ даражада таъминланганини аниқлаш имкон беради, бу эса устуворликлар тизимини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади [6]. Шу мақсадда муаллифлар томонидан аҳолининг турли хизматлар ва инфратузилма билан таъминланганлик тармоқ интеграл индекслари таклиф этилган. Таққослаш учун база сифатида Россия бўйича тармоқлар хизматлари ва инфратузилма билан таъминланганлик ўртача кўрсаткичлари олинган.

Мос келувчи ҳудудларда амалда эришилган базавий кўрсаткич қиймати ва кўриб чиқиладиган гуруҳ бўйича мос келувчи кўрсаткичнинг минимал қиймати ўртасидаги фарқни бўлиш йўли билан базавий кўрсаткичлар хусусий

индекслари ҳисоблаб чиқилган. Тармоқлар бўйича хусусий индекслардан (ТБХИ) ўртача арифметик кўрсаткични аниқлаш йўли билан ҳисоблаб чиқилган.

Ўзбекистонда ҳам минтақавий ривожланиш асимметриясини баҳолашга М.Содиқов, Ш.Х.Назаров[7], Э.Т.Якубова, Олимжонов О.О. [8] ва Х.Сайдахмедовнинг ўз илмий ёндашувлари мавжуд. Масалан, Ш.Х.Назаров хизматлар соҳасининг ривожланиши ва ўртача киши бошига индикаторлар фойдаланиладиган алоҳида минтақа ҳудудлари учун шартли ЯММ ҳисоб-китоб алгоритмини келтириб, интеграцияланган индекслардан минтақаларни диагностика қилиш ва панелли маълумотларни корреляцион-регрессион таҳлил қилиш учун фойдаланади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот методологияси сифатида хизматлар соҳасини ривожлантиришда минтақавий номуносивбликларга оид олимлар фикрини ўрганган ҳолда, кузатиш, сўровнома, статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Фақат қисқа муддатда 35-40 дан ортиқ мамлакат иқтисодиёти ва унинг минтақаларига тегишли фармонлар қабул қилинди. Ватанимизда иқтисодни ривожланишини инновацион типдаги янги модели шакллантирилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек 2017 йилда ватанимиз ривожланишининг янги босқичи бошланди. 2017 йилда амалга оширилган чора-тадбирлар ҳисобига барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари 5,3 фоиз, экспорт ҳажми 15 фоиз ошди. Ташқи савдодаги ижобий сальдо 854 млн. АҚШ долларини, олтин – валюта захиралари 26,5 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Жорий йилда мамлакатда 12 эркин иқтисодий зона ва 45 саноат зоналари фаолият олиб бормоқда, янги корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши ҳисобига 336 мингта янги иш ўрни яратилди. Мамлакатда қисқа муддатда 161 катта саноат объектлари ишга туширилди, бу эса 2018 йилда 1,5 трлн. сўмга янги маҳсулот ишлаб чиқариш имконини яратади [9].

Ҳозирги ривожланиш босқичининг эътиборли жиҳати шундан иборатки, бунда минтақаларда ишлаб чиқариш, кичик бизнес ва хусусий бизнесни ривожлантиришга қаратилгандир. Шундан келиб чиққан ҳолда, муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевни қанотбахш сўзларини айтиб ўтишни лозим топдик: “Минтақалар бой бўлса, мамлакат бой бўлади”. Ҳақиқатдан ҳам шундай, чунки барча минерал ресурслар, ишлаб чиқариш салоҳияти, меҳнатсевар аҳоли минтақаларда жойлашган. Шу билан бирга минтақаларда иқтисодиётни оптимал ривожлантириш баъзи бир номуносивбликларга барҳам бериш учун катта амалий ишлар бажарилиши лозим. Бу ишлар ва чора-тадбирлар тўғрисида мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон тарихида биринчи бўлган ўзининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаб ўтди.

Иқтисодий ўсиш минтақаларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Иқтисодий ўсиш биринчи навбатда, товар ва хизматларнинг миқдори ўсишда ўз ифодасини топади. Кенг маънода эса жамиятда иқтисодий ўсиш натижасида такрор ишлаб чиқариш ортади, ишлаб чиқариш кучлари ривожланади. Энг асосийси аҳоли турмуш даражаси ўсиб боради, уларнинг маданияти ва фаровонлиги ошади. Шу билан бирга мамлакатимиздаги қазилма бойликлар, иқтисодий салоҳиятини, мавжуд ресурсларимиздан самарали фойдаланиш учун оптимал (энг яхши вариант) йўллари ишлаб чиқиш зарур.

Маълумки, Ўзбекистонда сўнгги йилларда иқтисодий ўсиш 8 фоиз атрофида бўлди. Аммо ЯИМни ўсиш сифатини ўрганиб чиқилса, бунда маълум даражада муаммолар борлиги аниқланди. Биринчи навбатда минтақаларнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммолар ва номутаносибликлар. Шу маънода Ўзбекистонда Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан таклиф этилган, ҳамда ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича “ҳаракатлар стратегияси”да вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг комплекс ва мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва оптималлаштириш ушбу дастурдан жой олган [1].

Минтақаларнинг иқтисодий ўсишига тўсқинлик қилаётган муаммоларга минтақа ва туманлар, саноатни номутаносиб ривожланганлиги, унинг диверсификация даражаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, инвестициялар жалб қилиш бўйича номутаносибликлар, аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар, давлат бюджети даромадларни шакллантиришдаги номутаносибликлар, бюджет харажатларини қоплашдаги ўз даромадларини етишмовчилиги, экспорт ҳажмининг тақсимланиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишдаги номутаносибликлар ва бошқалар. Шулардан келиб чиққан ҳолда “Ҳаракатлар стратегияси” дастурида минтақаларнинг мувозанатини иқтисодий ривожлантириш, уларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун қўйидагилар белгиланган:

- ижтимоий-иқтисодий жадал ривожланиши, халқнинг турмуш даражасини ва даромадларни ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал ва хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

- ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш миқёсларини кенгайтириш ҳисобига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражасидаги фарқини камайтириш, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ўстириш йўли билан қиёсланган туман ва шаҳарларни жадал ривожлантириш;

- янги саноат ишлаб чиқариш ва сервис марказларини ташкил қилиш ҳисобига шаҳар типидagi кичик шаҳар ва шаҳарчаларни актив ривожлантириш;

- йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, инвестицияларни жалб қилиш;

- субвенцион туман ва шаҳарларни иқтисодиётини жадал ривожлантириш ҳисобига маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш;

- саноат ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев саноатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб, ушбу соҳа мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, уни ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшади, деб таъкидлаган эдилар[9]. 2017 йилда ҳудудлар кесимида, яъни Тошкент шаҳри, Самарқанд, Жиззах, Андижон, Наманган, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ялпи ҳудудий маҳсулотни ошишига асосан хусусий тадбиркорлик ва саноатни ривожланиши сабаб бўлди.

Шу билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларининг индустриал ривожланиш даражаси паст бўлганликда ўз аксини топган. Бу ҳудудларда саноатнинг ЯХМ таркибидаги улуши 17 фоиздан кам бўлиб, республика умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 42,6 фоиз ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажми республика ўртача кўрсаткичларидан 2,2-3,7 баравар кам бўлди[9]. Бунинг асосий сабаби мазкур ҳудудларнинг хомашё ва бирламчи ишлаб чиқариш маҳсулотларига ихтисослашгани ҳамда мавжуд ресурс, салоҳият ва имкониятларидан тўғри фойдаланмаслиги ҳисобланади. Ҳозирда саноатимизни ривожланишини янги босқичида мамлакатимиз ҳудудларида диверсификация жараёнини ривожлантиришга қатъий эътибор қаратилмоқда.

Ушбу муносабат билан минтақалар саноатининг диверсификация даражаси ўрганилганда, шундай ҳолат аниқланди. Иқтисодиётда диверсификация турлари хилма-хилдир. Булардан асосийлари тармоқ диверсификацияси, технологик диверсификацияси ва экспорт диверсификацияси ҳисобланади. Ҳудудлараро номутаносибликни ишлаб чиқаришни диверсификациялаш даражасида ҳам кузатиш мумкин. Андижон, Навоий, Қашқадарё вилоятлари каби нисбатан ривожланган ҳудудларда саноат ва экспорт бўйича диверсификация даражаси пастлигининг асосий сабабларидан бири уларнинг иқтисодиёти маълум бир маҳсулот ишлаб чиқаришга юқори даражада боғланганлигидадир. Шу билан бирга Қашқадарё ва Навоий вилоятлари саноатида қазиб олиш ишлари катта ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга синергетик самарани бермаяпти. Хоразм, Сирдарё, Бухоро ва Жиззах вилоятларида бирламчи қайта ишлашга йўналтирилган бир ёқламали ривожлаиш ҳам ушбу ҳудудлар диверсификация даражаси пастлигига сабаб бўлмоқда[9].

Саноат ишлаб чиқаришнинг технологик таркибида кузатилаётган номутаносибликлар Қашқадарё, Навоий, Тошкент вилоятларида хомашё (умумий ишлаб чиқариш ҳажмида 20-60 фоиз), Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида эса паст технологик (60 фоиздан юқори) товарларнинг улуши юқорилиги кузатилмоқда. Экспорт масаласида ҳудудлар ўртасида фарқланиш даражаси нисбатан юқори. Жами бешта вилоят ҳиссасига экспортнинг 49,3 фоизи тўғри келади. Тошкент вилоятининг ҳиссаси Жиззах вилоятидан 16 маротаба кўп. Экспорт ҳажмининг бундай номутаносиблиги келгусида айрим ҳудудларнинг ривожланишида ва иқтисодийни модернизация қилиш жараёнларида орқада қолиб кетишига сабаб бўлиши мумкин[9]. Маълумки, ҳозирги кунда ҳар қандай минтақани ривожланишига олиб келадиган асосий йўналишлардан бири инвестициялардир.

Инвестициялар ривожланишнинг асосий мезони ҳисобланади. Инвестицияларни самарали фойдаланиш уни тежамкорлигига ва оқилона тақсимлашга боғлиқ. Бу борада америкаликларни бир оддий гапи бор “америкаликлар 1 долларни беҳудага шамолга ташламайди”. Аммо мамлакатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев томонидан тежамкорлик борасида айтилган гап чуқур маънога эга бўлиб, яъни бир центни ҳам бекорга сарфламаслик керак, чунки бундай тежамкорликда давлат ва халқ манфаатлари туради, деб асосланган.

Иқтисодий ривожланишни янги босқичи инвестицияларни жалб этишни янги тартиби билан боғлиқ. Эндиликда уч босқичли инвесторлаш тартиби жорий этилди. I босқич, инвестицион таъминотини концепциясини шакллантириш. II босқич, инвестицион портфелини 10 йилга тузиш. III босқич, инвестицион лойиҳаларни 3 йилга ишлаб чиқиш.

Ҳудудларда инвестицияларни жалб этишда ҳам баъзи бир нотекисликлар мавжуд. Масалан, тўғридан-тўғри инвестициялар фақат Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Самарқанд вилояти ва Фарғона водийсига тўғри келмоқда. Ҳудудларда аниқ инвестициялар дастури ва лойиҳалар, айниқса инновация ривожланиши бўйича ишлаб чиқиш зарур.

Айрим ҳудудлар ўртасида бу соҳада ҳам номутаносибликлар мавжуд. Бунга асосий сабаблардан бири корхона ва хўжалик юритиш субъектларини инвестицион фаолликни пастлигини айтиш мумкин. Ҳудудлар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишидаги номутаносибликлар ҳам бор. Бу соҳалардаги энг катта муаммо шундан иборатки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кўпчилиги йирик шаҳарлар ва уларнинг атрофларида жойлашган. Бунинг сабаби қишлоқ туманлари ва кичик аҳоли пунктларида инфратузилма етарли даражада ривожланмаган. Ҳудудларда ҳар 2000 кишига тўғри келадиган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг сонидан ҳам фарқлар бор. Бунда Андижон – 20, Тошкент – 19, Фарғона – 14,

Наманган – 13 вилоятларнинг кўрсаткичлари юқори бўлиб, қолган вилоятларнинг кўрсаткичи анча пастдир.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатнома маърузасининг учинчи бўлимида ҳудудларни иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиққан ҳолда минтақалар саноатини келажакда ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. Мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида шаҳар ва туманлардаги кам қувватли ва бўш турган объектлар қошида кичик саноат зоналарни ташкил этиш ҳамда маҳаллий маҳсулотларни чуқур қайта ишлашни ривожлантиришни таъминлаш.

2. Ҳудудларни электроэнергияга талаби ортиб бораётганини инобатга олган ҳолда мавжуд ишлаб чиқариш тармоқларни реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш, кичик ИЭСлар яратиш ҳамда муқобил энергияни жалб этиш бўйича лойиҳаларни амалиётга янада кенгроқ жалб этиш.

3. Вилоятларда аниқланган ўсиш нуқталари негизида ҳамда маҳаллий хомашё ва ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳисобига ягона қўшимча қиймат занжирига бирлашган ишлаб чиқариш қувватларни жойларда яратиш.

4. Ҳудудларда ишлаб чиқаришнинг технологик даражасини ошириш, яъни юқори технологияли экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун минтақаларда махсус индустриал-саноат зоналарни ривожлантириш.

5. Ҳудудларда интеграция жараёнларни кучайтириш, бунда табиий, иқтисодий салоҳият, ресурс ва капитал, рақобат, кластер устунликларидан самарали фойдаланишни кенгайтириш.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкинки, минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий даражасини янада кўтариш учун, авваламбор уларнинг минерал хомашё базасидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришга юқори технологияларни киритиш, замонавий талабларга жавоб берадиган рақобатга чидамли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, мувозанатли ва оптимал иқтисодиёт яратиш, бошқаришни корпоратив усулларида фойдаланиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. //Халқ сўзи, 2017 й. 08.02. №28 (6722).

2. Davies S., Hallett M. (2002). Interactions between National and Regional Development. Hamburg Institute of Regional Economics, Hamburg.

3. Kiss J. P., Németh N. (2006). Fejlettség és egyenlőtlenségek: Magyarország megyéinek és kistérségeinek esete. MTA Közgazdaságtudományi Intézete, Budapest.

4. Bajmócy Z. – Lengyel, I. (eds) 2009: Regional Competitiveness, Innovation and Environment. JATEPress, Szeged, pp. 72-86.

5. Арженовский С.В., Шеховцов Р.В. Приоритеты долгосрочного социально-экономического развития региона: эконометрические модели производственных функций// Региональная экономика: теория и практика. – 2016. – № 10. – С. 147-156

6. Есева Е.П., Бушуева Л.И. Система регионального управления государственно-частным партнерством: формирование портфеля проектов//Региональная экономика: теория и практика. 2016. №6. С.42-55.

7. Назаров Ш.Х. Методологические аспекты повышения конкурент способности регионов// Т. IFMR, 2014г.212 с.

8. Олимжонов О.О. Ўзбекистон ҳудудлари барқарор ривожланишига тўсиқлик қилаётган муаммолар ва номуносибликлар //Т. IFMR, 2017 йил

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2017 й. 22.12.